

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

БЕКЖАНОВА БИБИРАБА КАРИМБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТҮЙ МАРОСИМИ ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-
ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**
(никоҳ тўйи маросимлари мисолида)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Бекжанова Бибираба Каримбаевна

Қорақалпоқ тўй маросими фольклорининг тарихий-этнографик хусусиятлари
(*никоҳ тўйи маросимлари мисолида.*).....3

Бекжанова Бибираба Каримбаевна

Историко-этнографические аспекты свадебно-обрядового фольклора каракалпаков (*на примере семейно-брачных обрядов*).....25

Bekjanova Bibiraba Karimbaevna

Ethnographic aspects of wedding-ritual folklore of *Karakalpaks (on the example of family and marriage rites)*.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications51

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

БЕКЖАНОВА БИБИРАБА КАРИМБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТҮЙ МАРОСИМИ ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-
ЭТНОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**
(никоҳ тўйи маросимлари мисолида)

07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Таг.367 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аширов Адҳамжон Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Улуғбек Сайданович
тарих фанлари доктори, профессор

Нуруллаева Шоира Қушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD 03/30.12.2019.Таг.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри Ч. Абдиров кўчаси 1- уй. Тел.: (+99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@gmail.ru.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 230100, Нукус шаҳри Ч. Абдиров кўчаси, 1 уй. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси билан).

Р. Баллиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

М. М. Давлетияров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Б. А. Қощанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув жараёнлари натижасида этник маданиятларнинг умумлашуви ва жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи умуминсоний қадриятлар тизими шаклланимуда. Шу билан бир қаторда, мазкур жараёнлар маданиятларда ўзликни англаш, уларнинг ранг-баранглиги, хусусан, миллий маданиятнинг асосини ташкил этувчи оила ва никоҳ институтига зиддиятли таъсир ўтказимуда. Бу эса бир томондан, оила ва никоҳга инсоният цивилизациясини турли хил инқирозлардан сақлаб қолувчи асосий омил сифатида қаралаётган бўлса, иккинчи томондан, “оммавий маданият” кўринишлари оила ва никоҳ муносабатларининг асл моҳиятига салбий таъсир ўтказиб, деградиациялашувига сабаб бўлмуда. Шу боис, ҳозирги кунда оила-никоҳ анъаналаридаги этнолокал хусусиятларни тарихий-тизимли таҳлил этиш долзарб аҳамият касб этмуда.

Никоҳ ва оила ҳам жаҳонда кенг оммалашган ижтимоий институтлардан бири бўлиб, унинг шакли турли маданиятда бир-биридан жиддий фарқ қилгани билан дунё жамиятларини бирлаштирувчи асосий омил ва ижтимоий муаммолардан ҳисобланади. Шу боис, ҳозирги кунда дунёнинг барча давлатлари ва халқларида никоҳ тўйи маросимларининг турли этнослар, социум ҳамда жамоалар маданиятида тутган ўрни, маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда этник аспектларини этнографик, этнофольклористик, этносоциологик ва ижтимоий антропологик нуқтаи назардан тадқиқ этилмуда. Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда дунёда кечаётган “маданий унификациялаш” – (бирлаштириш) ва этномаданий ўзликни англаш каби жараёнлар инсоният маданий меросининг асосий феномени бўлган оила ва анъанавий никоҳ билан боғлиқ урф-одат, анъана ҳамда қадриятларни сақлаб қолиш ва тарихий ворисийлигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришни долзарб вазифа қилиб қўйимуда.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила ва никоҳ билан боғлиқ қадриятларнинг жамият тараққиёти барқарорлигини таъминловчи берувчи механизм сифатида тутган ўрнига катта эътибор қаратилмуда. Шундан келиб чиққан ҳолда, оила асосларини янада мустаҳкамлаш, оилаларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдириш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш оила ва никоҳ билан боғлиқ урф-одат, анъана ҳамда қадриятларни янгича илмий тафаккур ва мезонлар асосида тизимли ўрганишни тақозо этади.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги², 2018 йил 2

¹ Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъи тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик мезони бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 43.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3107036>.

февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари³ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”⁴ги Қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда тадқиқот мавзусига доир адабиётларни даврийлик нуқтаи назаридан уч гуруҳга бўлиб ўрганилди: Биринчи гуруҳга XIX аср – XX аср бошларида амалга оширилган экспедицияларда тўпланган маълумотлар, саёхатчи ва миссионерлар томонидан ёзиб қолдирилган эсдаликлар, йўл кўрсаткичлари ҳамда рисоаларни киритиш мумкин. Ушбу тарихий-этнографик манбаларда қорақалпоқларнинг қадимий фольклори, афсона ва ҳикоялари ўрин олган. Иккинчи гуруҳга эса совет давридаги илмий тадқиқотларни киритиш мумкин. Мазкур туркумга оид асарлар тадқиқ қилинаётган мавзуни чуқурроқ ва кенгроқ ёритишда муҳим роль ўйнади. Учинчи гуруҳга мустақиллик даврида чоп этилган асарлар ва мавзу доирасида бажарилган илмий тадқиқотларни киритиш мумкин.

Биринчи даврга оид адабиётлар XIX аср ўрталаридан то XX аср 30-йилларигача бўлган тарихий даврда яратилган асарлар киради. Ушбу даврда қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, нашрдан чиқариш ва илмий нуқтаи назардан ўрганишга жиддий эътибор қаратилган. Ушбу тўпланган маълумотларнинг аксарияти қорақалпоқларнинг оилавий турмуш тарзи ва моддий маданияти тўғрисидаги фольклор матнларидан иборатдир. Масалан, 1740–1741 йилларда Россия ҳукумати томонидан Орск ва Хивага экспедицияга жўнатилган Д. Гладишев ва М. Муравинларнинг хизматлари катта бўлиб, улар томонидан қизиқарли фольклор материаллари тўпланган⁵.

XIX асрнинг иккинчи ярмида рассом Н. Каразин қорақалпоқлар тўғрисида кўплаб афсона ҳамда ҳикоялар тўплаган бўлиб, муаллиф томонидан Чимбой бозорида ёзиб олинган “Аёллар хонлиги тўғрисидаги эртақ” ўзининг қадимий тарихий асосларига эга бўлиб, тарихий-этнографик манба сифатида муҳим

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2- февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325- сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3546747>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори // <http://www.regulation.gov.uz/uz/documents/2128>.

⁵ Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740–1741 гг. поручиком Д. Гладышевым и геодезистом И. Муравиным / Материалы по истории каракалпаков. Т. VII / Труды Института востоковедения АН СССР. – М–Л., 1935.

аҳамиятга молик бўлса⁶, Амударё илмий экспедицияси таркибида келган Рус император географик жамияти аъзоси Л. Н. Соболев тўплаган ҳикоялар ҳам ўзининг тарихий-этнографик маълумотлари билан ажралиб туради⁷.

Ушбу тадқиқотларнинг асосий қисми профессионал мутахассислар томонидан бажарилмаган бўлса-да, тадқиқот мавзуси доирасида илк эълон қилинган илмий ишлар эканлиги ва шахсий кузатувлари асосида ёзилганлиги билан аҳамиятлидир. Бирок, ушбу қайдномалар кўпинча мутахассислар томонидан йиғилмаганлиги боис анъанавий халқ маданиятининг ўзига хослиги ва тарихи борасида батафсил маълумот бера олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук-юлук маълумотлар мажмуидангина иборат бўлиб қолган.

XX аср бошларида минтақада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан бирга қорақалпоқларнинг ҳўжалик ҳаёти билан бир қаторда, маиший турмуш тарзи ва маданиятини ўрганишга киришилди ва бу борада рус тадқиқотчилари Н. Баскаков, П. Иванов ва А. Дўвлетларнинг илмий изланишлари муҳим роль ўйнади. Масалан, Н. Баскаков узок йиллар (1926–1946) давомида олиб борган лингвистик экспедиция жараёнида барча туманларда яшовчи қорақалпоқлар орасидан 72 та афсона, ривоят ва эртақларни ёзиб олиб, рус тилида нашрдан чиқарган эди⁸. 1928–1929- йилларда Туркистон давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) томонидан ташкил этилган экспедицияда тадқиқотчи А. С. Морозованинг “Қорақалпоқлар тили ва турмуш тарзини ўрганиш бўйича маълумотлар” асарида ушбу этнос тўғрисида кўплаб маълумотлар берилган. Тадқиқотчининг бошқа бир мақоласида эса “Қирққиз” достонининг тарихий жиҳатларига эътибор қаратилган эди⁹.

Халқ оғзаки ижодининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган маросим фольклори ҳақидаги маълумотларни тўплаш ишлари А. Соколов, К. Аимбетов ва О. Кожуров каби тадқиқотчилар номлари билан боғлиқдир. 1933 йилда минтақада яшовчи халқлар маданиятини ўрганиш борасида экспедиция ташкил этилган бўлиб, унда Қорақалпоқ илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари К. Аимбетов, О. Кожуров ва У. Кусекеевлар фаол иштирок этган. Экспедиция аъзолари томонидан йиғилган материаллар қорақалпоқларнинг этник маданияти ва тўй-маросимлари ҳақидаги тарихий-этнографик маълумотларни ўзида акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир¹⁰. Шунингдек, этнографлар орасида У. Кусекеев биринчилардан бўлиб қорақалпоқларнинг никоҳ тўйи маросимлари тўғрисида маълумот беради. Бунда оиланинг қадимги кўринишлари, қорақалпоқларнинг оила ва никоҳ ҳақидаги қарашлари ҳамда куёвнинг уйида ўтказиладиган келин тўйи билан боғлиқ маросимлар дала маълумотлари асосида ёритиб берилган¹¹.

⁶ Каразин Н. Н. Сказка о женском ханстве // Древняя и новая Россия. – СПб., 1875. Т. III.

⁷ Соболев Л. Н. Письма об Амударьинской экспедиции // Русский инвалид. – 1874. – №213, 216.

⁸ Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. – Москва: Наука, 1951. – Т. I.

⁹ Морозова А. С. К вопросу о происхождении сюжета каракалпакской поэмы «Қырққыз» / Труды института истории Таджикской ССР. ТСХХ. – Сталинабад: Наука, 1960. – С. 133–137.

¹⁰ Соколов А. А. Основные этапы истории каракалпаков (по данным народных преданий каракалпаков и других памятников «живой старины»). – Турткуль, 1934 // РФФБ ККО АН РУз. Инв. №Р. 23.

¹¹ Кусекеев У. Этнография ККАССР. – Турткуль, 1934. – С. 60–72.

Иккинчи гуруҳ адабиётлари совет даври тадқиқотчиларининг кенг қўламли илмий изланишларини ўз ичига олади. Ушбу даврда халқ оғзаки ижоди намуналарининг тарихий-этнографик хусусиятлари этнограф ва фольклоршунос мутахассисларнинг эътиборини тортган. Масалан, фольклор намуналари тарихий-этнографик манба сифатида С. П. Толстовни анчагина қизиқтириб қўйган эди. Унинг илмий изланишларида Жанубий Хоразм афсоналар туркумидаги сюжетларнинг пайдо бўлиши тарихи ёритилган¹². Баъзи фольклор асарлар, афсоналар, ҳикоя ва дostonларни С. П. Толстов тарихий ҳақиқат билан боғлайди ҳамда улар асосида реал тарихий жараёнлар ҳақида мулоҳазалар юритади¹³.

XX асрнинг 60- йилларида қорақалпоқ халқ оғзаки намуналарини тўплаш ва ўрганиш фольклоршунос олим К. Аимбетов номи билан боғлиқдир. Унинг “Халқ донолиги” деб номланган асарида қорақалпоқларнинг маънавий маданияти тўғрисидаги бой маълумотлар билан бир қаторда анъанавий никоҳ тўйлари ҳақидаги ёдномалар ҳам баён қилинган¹⁴.

Маросим фольклори доир халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш ва ўрганиш таниқли олимлар Т. А. Жданко ва Л. С. Толстовалар номи билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, Т. А. Жданко қорақалпоқларнинг уруғ-қабилла тузилишига бағишланган тадқиқотлари¹⁵да фольклор маълумотларига мурожаат қилган эди. Таниқли этнограф томонидан қорақалпоқлар оилавий маросимлар, оиланинг қадимги кўринишлари ва турларига бағишланган қатор ҳикоя ҳамда афсоналар илмий муомалага киритилган¹⁶. Айниқса, бу борада унинг “Қорақалпоқ эпик поэмаси – “Қирққиз” тарихий-этнографик манба сифатида” номли мақоласини эслаш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда мазкур дoston асосида қорақалпоқларнинг анъанавий-маиший маданияти тарихи ва унинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Ушбу дoston сюжетларининг асосий йўналишини ташкил этган жанговар қизлар мавзуси тадқиқотчининг фикрига кўра, матриархат даврига оид бўлиб, унда Ўрта Осиёдаги қавм ва қабилаларнинг милoddан аввалги I минг йилликдаги ижтимоий ҳаёти акс этган¹⁷.

Шунингдек, қорақалпоқ фольклор манбалари тадқиқотчи Л. С. Толстова томонидан ҳам илмий муомалага киритилган. Мазкур муаллиф Хоразм воҳасидан ташқарида яшовчи қорақалпоқларнинг тарихи, маданияти ва маиший турмуш тарзини ўрганишда ҳикоя ҳамда афсоналарга таянган. Шу билан бир қаторда қорақалпоқларнинг афсона ва ҳикояларини Шимолий Кавказ, Афғонистон ҳамда Эрон ҳудудларида яшаган халқлар фольклори билан

¹² Толстов С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – Москва: Наука, 1948.

¹³ Толстов С. П. Древний Хорезм. – Москва: Изд-во МГУ, 1948. – 351 с.

¹⁴ Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – 489 б.

¹⁵ Жданко Т. А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – Москва: Наука, 1950.

¹⁶ Жданко Т. А. Каракалпаки Хорезмского оазиса / Труды Хорезмской Экспедиции. Т. I. – Москва, 1952.

¹⁷ Жданко Т. А. Каракалпакская эпическая поэма «Кырккыз» как историко-этнографический источник / Краткое сообщение Института этнографии. Вып. XXX. – Москва: Наука, 1958. – С. 110–120.

таққослаш натижасида, муаллиф уларнинг этногенетик алоқаларини ёритиб берган¹⁸.

Қорақалпоқ фольклорини илмий асосда мукаммал ўрганган маҳаллий олимлардан Н. Давқараев ва И. Сагитовларнинг тадқиқотларида қорақалпоқ фольклорининг умумий характеристикаси, тематик классификацияси ҳамда маълум бир тарихий жараёнлар натижасида шаклланиш жараёнлари очиб берилган¹⁹. Бошқа бир тадқиқотчи Н. Жапақовнинг “Ёдномалар” китобида эса “*Той баслар*”, “*Сыңсыў*”, “*Ҳаўжар*” ва “*Беташар*” каби қорақалпоқ тўй-маросим қўшиқлари фольклоршунослик нуқтаи назардан таҳлил этилган²⁰.

Замонавий никоҳ кўринишлари, тўй маросимларидаги анъаналар ва ўзгаришлар Х. Е. Есбергеновнинг мақоласида таҳлил қилинган²¹. Муаллиф қорақалпоқларнинг анъанавий никоҳ тўйи маросимларига умумий тавсиф бериш билан бир қаторда мазкур маънавий мерос намуналарининг бугунги кундаги ҳолатини ҳам этнографик материаллар асосида ёритиб берган. Қорақалпоқларнинг оилавий маиший ҳаёти билан боғлиқ урф-одатларни ўрганишда тадқиқотчи А. Бекмуратованинг ҳам катта ҳиссаси мавжуд. Унинг тадқиқотларида қорақалпоқларнинг қариндош-уруғчилик муносабатлари билан бир қаторда оилавий муносабатлар, экзогам никоҳ шакллари ва никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларини ҳам ёритиб берган²².

Тадқиқотчилар Х. Есбергенов ва Т. Атамуратовнинг монографиясида анъанавий никоҳ шакллари, “*қуда түсиў*” – қудачилик турлари ва никоҳ тўйи маросимлари тадқиқ этилган бўлиб, ундаги анъанавийлик ҳамда замонавийлик қиёсий таҳлил қилинган²³. Шунингдек, Х. Есбергенов ва Ж. Хошниязовлар томонидан ёзилган “Қорақалпоқ фольклоридида этнографик мотивлар” деб номланувчи асарда қаҳрамонлик дostonлари, афсона ҳамда ривоятлар асосида Жанубий Оролбўйи халқларининг анъанавий этник маданиятига доир муаммолар очиб берилган²⁴.

Ушбу даврдаги тадқиқотлар тарих ва этнография соҳаларида фольклор манбаларининг кенг кўламда илмий муомалага киритилганлиги, тарихчи ҳамда этнологлар томонидан фольклор манбаларидан қорақалпоқ халқининг анъанавий турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятини ўрганишда муҳим тарихий-этнологик манба сифатида жуда кўплаб илмий тадқиқотларда самарали фойдаланилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мустақиллик даврларида мавзунинг ўрганилишига доир илмий адабиётлар қаторига Х. Есбергенов ва Р. Камалованинг тадқиқотларини киритиш мумкин.

¹⁸ Толстова Л. С. Исторические предания Южного Приаралья. К истории ранних этнокультурных связей народов Арало-Каспийского региона. – Москва: Наука, 1984.

¹⁹ Давқараев Н. Очерки по истории дореволюционной каракалпакской литературы. – Ташкент: Фан, 1959; Сагитов И. Т. Каракалпак халқының қаһарманлық эпосы. – Нөкис: Каракалпакстан, 1963. – 350 б.

²⁰ Жапаков Н. Еске түсириўлер: Илимий мийнетлери. – Нөкис: Билим, 1990. – 319 б.

²¹ Есбергенов Х. Е. Современные форм брака и семьи у каракалпаков // Вестник ККОАН РУз. – Нукус, 1983. – №1. – С. 60–65.

²² Бекмуратова А. Быт и семья каракалпаков в прошлом и настоящем. – Нукус: Каракалпакстан, 1970.

²³ Есбергенов Х, Атамуратов Т. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. – Нукус: Каракалпакстан, 1975. – 212 с.

²⁴ Есбергенов Х., Хошниязов Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре. – Ташкент: Фан, 1988. – 155 с.

Хусусан, “Алпомиш” достонинг таҳлилига бағишланган мақолада “*бел қуда*” – энди туғилажак фарзандларни унаштириб қўйиш, тўй томошаларидан бири – “*көкмар*” ўйини, шунингдек, қадимги давр никоҳ шартлари тўғрисидаги маълумотлар қайд қилинган²⁵. Тадқиқотчи Р. Камалова эса қорақалпоқларнинг анъанавий диний қарашларини тадқиқ қилишда фольклор манбаларидан тарихий-этнографик манба сифатида фойдаланиб, шу билан бирга никоҳ тўйи маросимлари таркибидаги диний эътиқодлар билан боғлиқ қарашларига ҳам батафсил тўхталган²⁶.

Бундан ташқари, никоҳ маросимларининг айрим жиҳатлари Қ. Мақсетов ва Ж. Хошаниязов каби таниқли фольклоршуносларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Фольклоршунос Қ. Мақсетовнинг “Қаҳрамонлик достони Қирққиз”²⁷ ва “Қорақалпоқ фольклористикаси” каби илмий асарларда қорақалпоқ фольклоридagi никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ мотивлар ҳақида мулоҳазалар юритилади. Тадқиқотчи Ж. Хошаниязов томонидан қорақалпоқларнинг турмуш тарзи ва анъанавий маданиятининг бадиий тафаккур ривожидa тутган ўрнини қорақалпоқ достонлари мисолида ўрганилган бўлса²⁸, оилавий-маиший маросимлар билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар А. Тажимуратов²⁹, М. Низаматдинов³⁰ ва К. Алламбергенов³¹ ларнинг ҳам илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Қорақалпоқ тўй маросим фольклорини тарихий-этнографик нуқтаи назардан ўрганилиш тарихини таҳлил этар эканмиз, хулоса тарзида таъкидлаш керакки, юқорида тилга олинган тадқиқотчиларнинг асарлари маълумотларга бой бўлиб, ушбу мавзунини истиқболдаги тадқиқоти учун муҳим аҳамиятга эга манба бўлиб хизмат қилади. Аммо, юқорида номлари зикр этилган асарларда ўрганилаётган муаммонинг баъзи бир жиҳатларигина ёритилган. Шу сабабли, юқорида амалга оширилган тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фольклор манбаларидagi оила ҳамда никоҳ муносабатларини тарихий-этнологик жиҳатдан чуқур ҳам комплекс тарзда тадқиқ қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳон этнологиясида оила-никоҳ муносабатлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни ўрганиш қадимий анъаналарга бўлиб, мазкур мавзу Геродот³²,

²⁵ Есбергенов Х. Генезис некоторых сюжетов каракалпакской версии «Алпамыс» // Вестник ККОАН РУз. – Нукус, 2000. – №3. – С. 76–78.

²⁶ Камалова Р. Социально-нравственные аспекты в традиционной свадьбе каракалпаков // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1996. – №2. – С. 89–94.

²⁷ Мақсетов Қ. Қарақалпақ қаҳраманлық дәстаны “Қырық қыз”. – Нөкис: Қарақалпақстан мәмлекетлик баспасы, 1962. – 125 б; Ўша муаллиф: Қарақалпақ фольклористикасы. – Нөкис, 1989. – 335 б.

²⁸ Хошаниязов Ж. Қорақалпоқ қаҳрамонлик достонларининг пайдо бўлиш манбалари: Филол. фан. док. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 71 б; Ўша муаллиф: Қарақалпақ қаҳраманлық дәстанларинда той дәстурлерининг сәўлелениўи // Ўмиўдәрйя. – Нөкис, 1995. – №1–2.

²⁹ Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Т.V. Қарақалпақ халық қосықлары ҳам салт жырлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1980. – 487 б.

³⁰ Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Т. XI. Биринши китап. Айтыс. (М. Низаматдинов қарақалпақ салт-дәстүр фольклорының «Айтыс» жанры ҳаққында). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982. – 354 б.

³¹ Алламбергенов К. Қарақалпақ әдебиятында айтыс. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – 79 б.

³² Геродот. История в девяти книгах. – Л.: Наука, 1972. – С. 110–117.

Л. Морган³³, Ж. Ф. Мак-Леннан³⁴, И. Я. Бахофен³⁵, Э. Вестермарк³⁶, С. З. Каценбоген³⁷ ва Ю. И. Семеновлар³⁸ томонидан оила ҳамда никоҳнинг тарихий асослари, турлари ва даврий таснифлари муайян даражада ўрганилган. Хуллас, юқорида таҳлил қилинган адабиётлар шарҳидан шулар маълумки, айнан қорақалпоқ халқи оила-никоҳ муносабатлари масаласи фольклор материаллари асосида махсус тадқиқ қилинмаган. Шу боис мазкур тадқиқотда ушбу мавзунинг комплекс равишда ўрганишни мақсад қилиб олинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қорақалпоғистон тарихининг долзарб муаммолари” мавзусидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқларнинг оила-никоҳ муносабатлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар генезиси, эволюцияси ҳамда этнолокал хусусиятларини фольклор манбалари асосида тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоқларнинг фольклор манбаларидаги оила ва никоҳ ҳақидаги тарихий-этнографик маълумотларни ўрганиш, уларнинг таркибини аниқлаш ҳамда таснифлаш;

фольклор манбаларидаги қорақалпоқларнинг оила ва никоҳ муносабатлари билан боғлиқ анъанавий мотивларни тарихий-этнографик жиҳатдан таҳлил этиш;

қорақалпоқ оила ва никоҳ маросимларининг фольклор манбаларида акс этиш хусусиятларини ёритиб бериш;

фольклор манбалари асосида оила ва никоҳ маросимларининг тарихий-генетик асосларини аниқлаш ҳамда тарихий-тадрижий ривожланиш қонуниятларини очиқ бериш;

қорақалпоқларнинг оила-никоҳ муносабатлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни ўзига хос локал хусусиятларини қиёсий таҳлил этиш ҳамда ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини қорақалпоқ тўй-маросим фольклори ташкил этади.

Тадқиқот предметини қорақалпоқларнинг фольклор манбаларидаги оила ва никоҳ маросимлари ҳамда бу туркум билан боғлиқ турли урф-одат ва анъаналар ташкил этади.

³³ Морган Л. Древнее общество или исследование линий человеческого прогресса от дикости через варварство к цивилизации / Перевод с английского под редакцией М. О. Косвена. – Москва, 1934.

³⁴ <https://uchebnikfree.com/etnografiya-etnologiya-uchebnik/primechanie-pervobyitnyiy-brak-mak-30512.html>.

³⁵ Бахофен И. Материнское право / Пер. Е. В. Рязановой. Классики мирового религиоведения. Антология. Т.1 / Сост. и общ. ред. А. Н. Красникова. – Москва: Канон, 1996. – 496 с; Ўша муаллиф: Матриархат / Перевод и коррекция. И. Сахарчук. Сборник эссе, автобиографические очерки / Общ. редакция Андреас Часовски - CHAOSSS/PRESS, 2018. – 442 с.

³⁶ Вестермарк Э. История брака Т. XVI. / Пер. И. Семенова. – Москва, 1896. – 237 с.

³⁷ Каценбоген С. З. Спорные вопросы в учении о происхождении брака и семьи. – Минск: Белтрестпечать, 1923. – С. 14.

³⁸ Семенов Ю. И. Происхождение брака и семьи / Академия фундаментальных исследований: Этнология. – Едиториал УРСС, 2017.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни ёритишда асосан, тарихий-тизимли, тарихий-қиёсий, таркибий-функционал ёндашув ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган, шунингдек, этнографик дала тадқиқотлари ҳам ўтказилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фольклор-этнографик материаллар асосида қорақалпоқларнинг келин-куёв танлаш билан боғлиқ архаик анъаналар (*гурес, алтын қабақ атыў, бэйги, қыз қуўыў*), қадимги никоҳ шакллари ҳамда оила куриш ва никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ урф-одатларини этнолокал хусусиятлари (*қыз-жигитлер отырыспасы, жуўап-айтыс, кесе берисип-кесе алысыў*) аниқланган;

халқ достонлари асосида қорақалпоқларда никоҳнинг архаик турлари (*олжа ҳаял, саўга ҳаял, өз ҳаялына қайта уйлениў, левират, қызды алып қашыў*) ва қудачилик анъаналар (*ақлай қуда, қундақ қуда, қарсы қудалық, жаўшылык, қалын мал*)нинг тарихий-генетик асослари ҳамда тарихий босқичлари очиқ берилган;

никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ маҳаллий анъаналар (*Сыңсыў, Хәўжар, қәде алыў, куйеў жора көкмар, шашыў, алас секириў, ақ отаў тигиў, босага сәлем, шымылдық тутыў*)да қадимий диний эътиқодлар (магия, тотемизм, фетишизм, афсунгарлик) ва локал қарашлар (остона, олов ҳамда ўчоқ култи) уйғунлашган ҳолда сақланиб қолганлиги аниқланган;

қорақалпоқ никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ тарзда ўтказилган маҳаллий анъаналар (*кеңес той, мурындық ата ва мурындық ене, қонық, беташар*)нинг тарихий асослари ва ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий институт сифатида маънавий-тарбиявий аҳамияти этнографик материаллар асосида асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фольклор манбаларини тарихий-этнографик жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида қорақалпоқларнинг оила ва никоҳ муносабатлари доир муҳим илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга тарихий-этнографик маълумотлар аниқланган ва тизимлаштирилган;

тўй-маросим фольклорининг қорақалпоқларнинг оила-никоҳ муносабатлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларини ўрганишда муҳим тарихий-этнографик манба эканлиги асослаб берилган;

оила-никоҳ муносабатлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларининг тарихий-генезиси, эволюцияси, ўзига хос локал хусусиятлари, жаҳон халқлари билан ўзаро алоқадорлик жиҳатлари (ёки умумий тадрижий тараққиётнинг узвий қисми эканлиги), ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятига оид хулосалар чиқарилган;

оила ва никоҳ билан боғлиқ қадриятларни мустаҳкамлаш, улардан жамиятни янгилаш, барқарорлигини таъминлаш ҳамда маънавий жиҳатдан юксалтиришда самарали фойдаланиш, оила ва никоҳ ҳақида соғлом дунёқарашни шакллантиришга доир тақлиф ҳамда тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда натижалари Республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Қорақалпоқларнинг оила ва никоҳ маросимларини фольклор манбалари асосида илмий таҳлил этиш унинг этномиллий психологияси ҳамда локал миллий маданияти, диний-эътиқодий қарашлари, урф-одат ва анъаналари, маънавий мерослари билан боғлиқ билимларни бойитишга хизмат қилади.

Диссертация материаллари қорақалпоқларнинг этномаданияти, этномиллий мероси оид этнографик ва фольклоршунослик йўналишидаги илмий асарлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалар тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, турли институционал ташкилотларнинг оила асосларини янада мустаҳкамлаш, никоҳ билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг асл моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг халқ оммасига етказиш, никоҳ тўйи маросимларини ўтказишда ижтимоий адолат, миллий урф-одат ҳамда қадриятларга содиқлик, жамоатчилик фикрини инобатга олиш тамойилларига риоя қилиш, никоҳ тўйи маросимларини ихчам ва миллий қадриятлар асосида ўтказишнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳамияти тушунтиришга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот ишлари, шунингдек, “Ёш оила мактаблари”. “Ёш келин-куёвлар клуби”, “Оила мактаби”, “Қудалар суҳбати” каби курслар ташкил қилишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқларнинг оила ва никоҳ маросимларини фольклор манбалари асосида илмий таҳлил этиш масаласини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва хулосалар асосида:

Фольклор манбалари асосида аниқланган матриархат даврларига хос келин-куёв танлаш билан боғлиқ (*гурес, алтын қабақ атыў, бэйги, қыз қуўыў*), қорақалпоқларда экзогам никоҳнинг хусусиятлари ва вояга етган қизлар ҳаётида “*жснге*”нинг тутган ўрни тўғрисидаги хулосалардан архаик никоҳ анъаналарининг тарихий-этнографик таҳлили хулосаларидан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг “Этноэтика”, “Мерос” ва “Олтин мерос” дастурларида никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлари ва анъаналарнинг асл мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2019 йил 22 ноябрдаги 01-02/471-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари бугунги кунга қадар етиб келган никоҳ маросимларининг архаик илдизлари тўғрисидаги билимларни бойитишга хизмат қилган ва оилавий маросимларнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли англаш имкониятини берган;

тадқиқотнинг оила ва никоҳ муносабатларининг архаик турлари (*олжа ҳаял, саўга ҳаял, өз ҳаялына қайта уйлениў, левират, қызды алып қашыў*) ва қудачилик анъаналар (*ақлай қуда, қундақ қуда, қарсы қудалық, жаўшылық, қалың мал*)нинг генезиси ва ижтимоий тараққиёт босқичларида трансформацияланиш хусусиятлари тўғрисидаги хулосаларидан Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар илмий тадқиқот институтида 2012–2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г00 “Қорақалпоғистон жаҳон маданияти контекстида: Қуйи Амударё этагидаги шаҳар ва шаҳар маданиятининг тарихий истикболи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг “Тарихий истикболда Қорақалпоғистон шаҳарларининг этномаданий қиёфаси” номли бобини ёзишда фойдаланилди (ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2020 йил 19 июньдаги 94/1-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар никоҳ туйи билан боғлиқ кадриятларнинг сақланиб қолиш даражасини аниқлаш ва маънавий меросларни ўрганиш, ҳимоялаш, сақлаш ҳамда тарғибот қилиш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари қорақалпоқларнинг анъанавий маданияти ва этник тарихини ёритишга доир илмий тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилган;

Тадқиқотнинг никоҳ туйи ва билан боғлиқ тарзда ўтказилган (*неке тойи, той,кеңес той, мурындық ата ва мурындық ене, қонық, беташар*) маросимларининг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий институт сифатида маънавий-маърифий аҳамияти тўғрисидаги хулосаларидан Республика “Маънавият ва маърифат маркази” Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2019–2020 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Республика “Маънавият ва маърифат маркази” Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2019 йил 25 ноябрдаги 01/12-374-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар жамоатчилик ва ахлоқий-тарбиявий хусусиятлари ҳақидаги илмий хулосалар чиқариш, оила ҳамда никоҳнинг жамият барқарорлигини таъминловчи механизм сифатида тутган ўрнини мустаҳкамлаш, оилаларда тинчлик-хотиржамлик аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, ёшларни миллий кадриятлар асосида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда муҳим илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан, 3 та Республика илмий-амалий конференция ва 7 та халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилиш жараёнларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та (14 та Республика ва 1 та хорижий журналлар) мақолалар ва 3 та рисола (2 та Республика ва 1 та хориж), 10 та халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманлари тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиши даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, апробацияси ва тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиниши, эълон қилинган нашрлар ва иш таркиби тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Оила билан боғлиқ тарихий-фольклор мотивлар”** деб номланган биринчи боби қорақалпоқ оиласи ва оилавий маросимларининг этнофольклористик таҳлилига бағишланган.

Биринчи бобнинг **“Келин-куёв танлаш билан боғлиқ архаик анъаналар”** деб номланган биринчи параграфида қорақалпоқларнинг янги оилани куриш жараёнининг бошланғич босқичи бўлган келин-куёв танлаш билан боғлиқ этнолокал анъаналари тарихий-этнографик ва фольклоршунослик материаллари асосида тадқиқ қилинган.

Қорақалпоқларда куёв ва келин танлашнинг архаик кўринишларидан бири сифатида кураш ёки олтин ковоққа камондан ўқ отиш ёки *“бэйги”* (от чоптириш)ларни кўрсатиш мумкин. Бунда мақсад сифатида қўйилган шартларни бажарилиши тушунилган. Қиз фақатгина турли шартларда ўзини енгган йигитга турмушга чиққан, ушбу ҳолат яккакурашга асосланган ҳаёт талабларидан келиб чиққан. Сак қабиласидан чиққан йигитлар бўлғуси келин билан курашишлари шарт бўлган. Агар курашда қиз ғалаба қозонса, енгилган йигитнинг ихтиёри тўлиқ қиз томонда бўлган ва унга хизмат қилган. Фақатгина йигит ғалаба қозонсагина, қизга уйланиши мумкин бўлган³⁹.

Қорақалпоқ эпосларида тасвирланган қизларнинг куёв танлаш маросими синфий жамиятгача бўлган давр талабларига асосланган. Халқ эпослари ҳисобланган *“Тўрўғли”*, *“Қиз-полвон”*, *“Қараман”*, *“Гулнаҳор”* ва *“Эр Зевар”* дostonлари сюжетлари айнан шундай ҳаётий мотивлар таъсирида яратилган. Бугунги кунда қорақалпоқлар орасида куёв ва келин танлашнинг матриархат белгилари фақатгина *“Қыз қуўйў”* (*“Қиз қувиш”*) удумида сақланиб қолган⁴⁰.

Келин томонидан куёв танлашнинг архаик кўринишларидан бири бу – қизнинг талабгор йигит олдида ўз шартларини қўйиши ва барча шартларни муваффақиятли бажарган баҳодирга турмушга чиқишидир. Қизлар ўзларига фақат жуфти ҳалол танлашни мақсад қилиб қўймасдан, балки Она Ватанни ҳимоя қилиб, унга лойиқ фарзанд эканлигини исботлай олгандан кейингина танлаган инсони билан оила куришни ўзларига муносиб, деб билганлар.

Ушбу бобнинг **“Қорақалпоқ халқ дostonларида қадимги никоҳ шакллари”** деб номланган иккинчи параграфида халқ дostonларида қадимги даврларга хос оила ва никоҳ муносабатлари таҳлил қилинган.

³⁹ Клавдий Юлиан. Разнообразные повествования / Древние авторы о Средней Азии. – Ташкент, 1940. – С. 23–24.

⁴⁰ Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани Қоорабуға МФЙ, 2017 йил.

Қорақалпоқ дostonларида қаҳрамон-баҳодирнинг уйланиши билан боғлиқ удумлар экзогам никоҳнинг кўриниши тарзида қадимги даврлардаги тарихий-ижтимоий жараёнларни акс эттирган эпик маълумотлар сифатида сақланган. Ушбу маълумотлар экзогам никоҳ излари унинг турли тарихий-ижтимоий даврлардаги ўзига хос хусусиятларига мос ҳолда шаклланганлигидан далолат беради. Масалан, қаҳрамон-баҳодирнинг ўзга юртлардан келин топиш мақсадида қилган сафари давомида турли воқеаларни ўз бошидан кечирган. Матриархат даврида ботирнинг қиз билан яккама-якка кураши, патриархатга хос белгилар: қаҳрамоннинг отасини бефарзандлиги, ботир вояга етгандан кейин уни ўзга юртларга келин излаб, сафарга боришига қаршилик қилиши, ҳарбий-демократик белгилар: қаҳрамон-баҳодирнинг бошқа талабгорлар билан қиз учун кураши ҳамда кизнинг душманлари билан олиб борган урушлари, патриархал-феодал белгилар: ботирнинг ўз қаллиғига эришиш учун қалин тўлашга мажбур бўлиши, кўп хотинлилик белгилари, куёвнинг уйидаги кўтаринки руҳдаги тўй тантаналари, ботир қизларнинг гўзал келинларга айланиши, буларнинг ҳаммаси муайян даврларда экзогам никоҳнинг таъсирида пайдо бўлган ижтимоий ҳаётнинг бадиийлаштирилган баёни эканлиги шубҳа туғдирмайди.

Биринчи бобни яқунловчи *“Келин танлашда “женге” нинг ўрни”* номли қисмида анъанавий никоҳ муносабатлари тизимида янганинг тутган ўрни ва вазифалари этнофольклор материаллари асосида тадқиқ қилинган.

Туркий халқларда бўлгани сингари қорақалпоқларда ҳам туғишган, қариндош ёки уруғдош акаларининг турмуш ўртоғи *“женге”* деб аталади. Шунингдек, қорақалпоқларда ҳам қадимда жамиятлар жинс ва ёш жиҳатидан ижтимоий гуруҳларга ажратилган ҳамда ўзини-ўзи бошқариш тамойилларига кўра, ҳар бир ёш гуруҳига жамоада обрў-эътиборга эга бўлган, кўпчилик ишончини қозонган ва катта ҳаётий тажрибага эга инсонлар етакчилик қилган. Кичкина ёшдаги болаларга етакчилик қилувчи аёл *“киндик шеше”* деб аталиб, у бола туғилган пайтда унинг киндигини кесган аёл бўлган. Оиладаги ота-она, буви ҳамда бувалар томонидан бериладиган тарбиядан ташқари *“киндик шеше”* ҳам ҳам болага тарбиявий жиҳатдан масъул шахс ҳисобланган. Ўспиринлик давридан бошлаб турмушга чиққунга қадар вояга етган қизларга янга, йигитларга эса уйлангунга қадар *“жигит ағасы”* жамоатчилик асосида етакчилик қилган⁴¹.

Тадқиқотда қорақалпоқ миллий удумларига кўра, янга қизлар тарбиясига масъул бўлиши билан бирга уларни ўз тенгини топиб, бахтли оила қуришида муҳим шахс бўлганлигини қатор этнофольклористик материаллари асосида исботлашга ҳаракат қилинди. Қолаверса, вояга етган йигит ва қизларнинг *“жуўан”* айтиб, чечанлик ҳамда ҳозиржавобликда беллашиб, вақтни мазмунли ўтказадиган мулоқот жойи ва маркази бу – *“жигит ага”* ва *“женге”* бошчилигида ташкиллаштириладиган *“қыз-жигитлер отырыспасы”* бўлган.

⁴¹ Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани Бердақ МФЙ. 2017 йил.

Айнан *қыз-жигитлер отырысна*”сида катта масъулият янганинг зиммасига тушган. Шунинг учун ҳам янга уддабурон, чечан, сўзамол ва ҳаёт тажрибаларига бой бўлиши шарт ҳисобланган.

“Никоҳ тўйигача бўлган анъаналарини этнофольклористик таҳлили” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфи **“Қорақалпоқ халқ достонларида архаик никоҳ билан боғлиқ урф-одатлар”** деб номланиб, унда туркий халқлар халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналарини ўзида мужасссам қилган қорақалпоқ халқ достонларида қадимги никоҳ шакллари билан боғлиқ кўринишлар таҳлил қилинган.

Қорақалпоқ халқининг қаҳрамонлик достонларидаги баҳодирнинг никоҳ маросими билан боғлиқ сюжетлар цикли бир-бирига ўхшаш бўлиб, воқеаларга бойдир. Уларнинг турлари ҳар хил йўналишларда ўзига хос равишда тасвирланади ва тарихий-ижтимоий далилларга асосланади. Ушбу мотивлар ўз навбатида ўзгарувчан хусусиятга ҳам эга. Юқорида таъкидланганидек, қаҳрамонлик унаштирувлари матриархат ва уруғчилик тизимининг тарқалиш (фратрияларга бўлиниш) даври учун характерли бўлса, патриархал-уруғчилик босқичига келиб экзогам никоҳнинг совчилик, унаштирув, *“қалин”* тўлаш каби удумлар ўз ифодасини топади. Патриархал феодал жамиятда эса экзогам никоҳ билан бир қаторда эндогам яъни бир уруғ таркибидаги *“тире”* – (уруғларнинг алоҳида тармоқларга бўлиниши) ўртасида *“қыз алысыў”*, куда-андачилик муносабатларини ўрнатиш билан боғлиқ удумлар ҳам кўпроқ кўзга ташланади.

Халқ достонларида учрайдиган *“Олжа ҳаял”* – *“қўлга киритилган аёл”*, *“ўлжа қилинган аёл”* мотиви ҳам архаик характерга эга бўлиб, ҳаётий эҳтиёжлар натижасида пайдо бўлган эпик тавсифларнинг ҳақиқатлигини исботлай олади. Мазкур мотивлар ҳарбий кучга таянган демократик жамиятнинг мавжуд бўлганини исботлаб берувчи яққол мисоллардан биридир. Чунки, ҳар қандай ҳарбий муносабатлар (у босиб олиш бўлсин, ҳимоя бўлсин, қасд олиш бўлсин ва б.) қайси бир тарафнинг устунлиги билан якун топган ва мағлуб бўлган томон бирор-бир жиҳатдан ғалабага эришган томонга қарздор бўлиб қолади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, аёллар энг катта ўлжа ёки бойлик рамзига айланган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби иккинчи параграфи **“Куда тўсиў” – унаштирув анъаналарини этнографик таҳлили**” деб номланиб, унда қорақалпоқ никоҳ тўйи маросимларида унаштирув билан боғлиқ маҳаллий урф-одат ва анъаналар кўриб чиқилган. Маълумки, қорақалпоқларда икки томон ота-оналари ўртасида келишув ва розилик асосида тузилган никоҳ келишуви *“қудалық”* деб номланади.

Қорақалпоқ эпосларида ота-оналар хали туғилмаган фарзандларини унаштириб қўйиш, яъни *“ақлай куда”* мотивларини учратиш мумкин. Ота-оналар бир-бирлари билан учинчи томонни таклиф этмаган ҳолда келишиб олади ва ушбу шаклдаги келишув қандайдир қўшимча ишларни талаб қилмайди. Мазкур ҳолат асосан, икки оила узоқ вақт давомида фарзанд кўра олмай юрган, аммо ўз авлодларини давом эттиришни истаётган вақтда амалга

оширилади. Ушбу анъаналарнинг аксини “Ғариб ошиқ”, “Саётхон-Ҳамро” ва “Алпомиш” каби достонларда учратиш мумкин.

“Ғариб ошиқ” достонида келтирилишича, подшоҳ ва унинг вазири овга чиқади ва ов давомида ҳомиладор кийикни учратади. Унга раҳм қилиб, тирик қолдирадилар, чунки ўша вақтда иккаласининг ҳам хотини ҳомиладор бўлади. Гаплашиб туриб, улар бир-бири билан ваъдалашади, ваъдага кўра, улардан бирининг аёли ўғил фарзанд, иккинчисининг аёли қиз фарзанд кўрса, бу ҳолатда улар турмуш қуради⁴². “Саётхон-Ҳамро” достонида икки дўст Ошиқ ва Сейдахмет тўғрисида ҳикоя қилинади. Кекса ёшга етганига қарамай, иккаласи ҳам фарзанд кўрмайди. Дўстлар ўзаро келишувга қарор қиладилар ва унга кўра, бирида ўғил, иккинчисида эса қиз фарзанд дунёга келса, ўзаро қуда бўлишга келишадилар. Агарда, иккаласида ҳам ўғил дунёга келса, бир одамнинг икки қизига уйлантирадилар, агарда икковида ҳам қиз дунёга келса, у ҳолда бир одамнинг икки ўғлига турмушга беришга қарор қиладилар⁴³.

Диссертациянинг иккинчи боби учинчи параграфи қорақалпоқ фольклорида “*жаўшылық*” (совчилик) анъанасини этнографик таҳлилига бағишлаган.

Қорақалпоқларда совчилар “*жаўшылар*” (“босиб олувчилар”) ёки “*елишлер*” (“элчилар”), яъни томонларни келиштириб, яраштириб қўядиган инсонлар, деб аталади. Улар куёв ва келиннинг ота-онаси билан аввалроқ келишиб олгандан сўнг совчиликка борган.

Халқ достонларидаги унаштирув, “*қуда тусиў*” анъаналари патриархат даврига хос ижтимоий талаблар таъсирида достон сюжетларидан ўрин олган. Сабаби, “қаҳрамонлик никоҳи” анъаналари учун совчи қўйиш, унаштириш ва “*қуда тусиў*” шарт эмас. Аксинча, унинг ўрнини синовлар ва инициацион талаб ҳамда меъёрлар эгаллаган.

Диссертациянинг “**Никоҳ тўйи маросимининг этнофольклористик хусусиятлари**” деб номланган учинчи боби қорақалпоқ никоҳ тўйи маросимларига бағишланган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “***Келинни куёв уйига кузатиш билан боғлиқ урф-одатларнинг этнолокал хусусиятлари***”га бағишланган бўлиб, унда тўй маросимларининг муҳим қисмларидан бири – қизнинг уйига куёвни биринчи марта бориш жараёни билан боғлиқ турли анъана ва урф-одатлар таҳлил қилинган.

Этнофольклористик адабиётлардан маълумки, қорақалпоқ никоҳ тўйи маросимларида келин-куёвни унаштирувидан кейин келин учун қалиннинг биринчи тўлови амалга оширилганидан сўнг куёв дўстлари ва оғаси ҳамроҳлигида унинг уйига ташриф буюрган. Куёвни келиннинг овулига ташриф буюришга розилик олганидан сўнг куёв томон қизнинг уйига “*соғым*” олиб борилган.

⁴² “Ғарип ашық”. Қарақалпақ халық дәстаны. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Т. XIV. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. – Б. 17.

⁴³ “Саятхан-Ҳәмра”. Қарақалпақ халық дәстаны. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Т. XIV. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. – Б. 191.

Тўйдан аввал қизнинг уйида дугоналари тўпланиши “*Қыз отырыспа*” деб номланган⁴⁴. Бу уларнинг тўйдан олдинги сўнгги ўтириш бўлган, шу сабабли ўтиришда келин билан хайрлашган. Қизларнинг ўтириши ва келинни ўз уйи, яқинлари ва қариндошлари билан хайрлашув маросими махсус тўй маросим қўшиқлари – “*сыңсыў*” жўрлигида амалга оширилган. Никоҳ маросимидан сўнг келин “*сыңсыў*” айтмаган. Шу вақтдан бошлаб “*ҳаўжар*” қўшиғини куйлаш бошланган. Тўй маросимининг ўзига хос урфи сифатида “*ҳаўжар*”ни келиннинг уйни тарк этиш ва куёв уйига кузатув вақтида куйланган⁴⁵.

Тўй куни, никоҳдан олдин янгалар қизнинг дўпписини ечиб, зулфини йиғиб, сочини икки ўрим қилиб ўриб, бошига “*сәўкеле*”⁴⁶ кийдирадилар. Ушбу маросим учун куёвдан келиннинг янгалари “*сәўкелениң пайғазысы*” – “*сәўкеле*” учун “*қәде*”, яъни тўлов талаб қилган.

Келинни куёвнинг уйига кузатиб бориш вақтида йигитлар иштирокида “*көкмар*” ўйини ташкил қилинган⁴⁷. Агар ўйинда куёвнинг дўстлари ғалаба қозонса, янгалар уларни қимматбаҳо совғалар билан сийлаган ва куёв келинга муносиб экан, деб тан олган. Мабодо, улар мағлубиятга учраса, улардан катта миқдорда тўлов талаб қилинган.

Қорақалпоқ халқ достонларида куйланадиган қаҳрамоннинг унаштирув маросими, баҳодирнинг турли яккакурашларда синовдан ўтиши, ақлбовар қилмас қийинчиликларни енгиб ўтиши, рақиблар билан, ҳатто ўз ёри билан курашиши – қадимий одатларнинг архаик излари ҳисобланиб, вақт ўтиши билан трансформацияга учраган ва ўзининг бирламчи маъносини йўқотиб, фақатгина “*қәде*”, яъни тўлов, совға бериш шаклида бугунги кунда сақланиб қолган. Достонларда қаҳрамон баҳодирнинг турли сеҳрли кучлар билан кураши, бошқа синовлардан ўтиши, қалин ёки бошқа божларни тўлаши – моҳиятан куёвни келинни олиб кетишига қаршиликнинг мавжудлигидир. Аммо, ушбу қаршиликнинг асосини магия ишонч ташкил қилишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Диссертация учинчи бобининг иккинчи параграфи “*Никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлар*” деб номланади.

Қорақалпоқ халқи анъанасига кўра, никоҳ тўйи маросимларида одатга кўра, катта тўйдан аввал “*кеңес той*”⁴⁸ ўтказилган. “*Кеңес той*”да тўй эгасининг қариндошлари, кўни-қўшнилар, жамоа аъзолари иштирок этган, кексалар ва овул бийи бошчилигида никоҳ тўй маросимларига тайёргарлик билан боғлиқ барча масалалар ўзаро маслаҳатлашилган ҳолда ҳал этилган. Яъни, тўй эгасининг иқтисодий шарт-шароити, тўй харажатлари меҳмон чақириш, меҳмонларни жойлаштириш ва уларни меҳмон қилиш, тўй томошаларини ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш, тўй эгасига қандай моддий ёрдам кўрсатиш кераклиги, зарур харажатлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва

⁴⁴ Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани А. Досназаров МФЙ. 2018 йил.

⁴⁵ Бекжанова Б. Этнографические основы свадебных песен “*Хәўжар*” // Наука и общество.– 2018. – №1. – С. 15–17.

⁴⁶ Қорақалпоқ келинлари никоҳ маросимида киядиган махсус бош кийим.

⁴⁷ Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиция и их преобразование в городском быту – С. 84.

⁴⁸ Ушбу маросим ўзбекларда “маслаҳат тўйи” деб юритилади.

бошқа масалалар маслаҳатлашилган⁴⁹. Овулнинг бий ва кекса оқсоқоллари бошчилигида ўтказилган “*Кеңес той*”да жамоа аъзоларига аниқ вазифалар белгилаб берилиб, бажариладиган ишлар бўйича масъуллар тайинланган. “*Көплеген қонақ атқарады*”да меҳмонларга кўпчилик бўлиб хизмат қилинса, меҳмондорчилик аъло даражада ўтади; “*Аўылласың ким болса, аталасың сол болады*” – Овулдошинг ким бўлса, қариндошинг ҳам шу бўлади; “*Ағайинниң аты озгана, аўылластың тайы озсын*” – Қариндошнинг оти ўзгунча, овулдошнинг тўйи ўзсин, деб айтилганидек, жамоа аъзолари кўпчилик томонидан ўзларига топширилган вазифаларни элнинг холис хизмати, деб сидқидилдан бажарган.

Келинни куёвнинг уйига илк ташрифи вақтида “*көримлик айтым*” ижро этилган. Ушбу маросим “*айтым*” деб ҳам номланган. Маросим сўнггида куёвнинг онаси келинни устидан жийда, туршак ва турли хил ширинликлар сочган ҳамда ушбу одат “*шашыў*”, яъни “сочқи сочиш” деб аталган⁵⁰. Мазкур одат Марказий Осиё, Қозоғистон ва Кавказ халқларида ҳам кенг тарқалган.

Никоҳ тўй удумларига кўра, келин куёвнинг уйига кириш вақтида, остона қаршисида уч маротаба таъзим қилиб пешонасини остонага теккизиши, сўнггра остонадан ўнг оёғи билан ҳатлаб ўтиши керак бўлган. Ушбу удум “*босага сәлем*” деб ҳам аталган⁵¹. Марказий Осиё халқларининг никоҳ тўйи маросимлари таркибида кенг тарқалган ушбу удум тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги даврда кенг тарқалган остона култи билан боғлиқ бўлиб, остонадан кўним топган аجدодлар руҳига ҳурмат-эҳтиромни билдирган⁵².

